

8. Косенчук, О. В., Блинов, О. А., Новиков, Ю. И., & Рабканова, М. А. (2015). Понятие агротуризма в теории и практике управления сельскими территориями. Современные проблемы науки и образования, (2-2), 387-387.
9. Кудла Н.С. Агротуризм: перспективи розвитку в Україні // Міжнар. наук. -практ. конф. «Наука, інновації та розвиток регіонів»: Тези доп. — Львів, 2004. — С. 56-63
10. Кусков А.С., Джалаадян Ю.А. Основы туризма. – М.: Кнорус, 2010. – 400 с.
11. Marques H. Searching for complementarities between agriculture and tourism—the demarcated wine-producing regions of northern Portugal // Tourism Economics. – 2006. – Vol. 12. – No. 1. – P. 147– 155.
12. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотларидан фойдаланилди.
13. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий меърос вазирлиги расмий сайти маълумотларидан фойдаланилди
14. Жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) сайти маълумотларидан фойдаланилди.
15. Саёхат ва туризм бўйича жаҳон кенгаши (WTTC) маълумотларидан фойдаланилди. <https://www.atorus.ru/news/press-centre/new/42788.html>

**УДК:** 338

**Иминохунов Абдукохор Абдивайтович**  
Ўзбекистон Республикаси Oriental universiteti  
Нодавлат олий таълим муассасаси

## **НОДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА МЕНЕЖМЕНТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА КРІ-МОДЕЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

**Аннотация.** Уибу мақола нодавлат олий таълим ташкилотларида менежмент самарадорлигини оширишида KPI-моделидан фойдаланиш имкониятлари ёритилган. Бундан ташқари талабаларнинг сифатли таълим олишига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар таҳлили, олий таълим ички истиқболдаги стратегик мақсадларга эришишини мониторинг қилишида, молиявий бошқарувни такомиллаштиришида KPI кўрсаткичларидан фойдаланиш орқали самарали корпоратив менежментни жорий қилиши масалалари тадқиқ қилинди ҳамда олий таълим ташкилотларида KPI технологиясидан фойдаланиш жараёнининг SWOT-таҳлили амалга оширилди.

**Калим сўзлар:** нодавлат олий таълим ташкилотлари, KPI, самарадорлик, менежмент, сифатли таълим, SWOT –таҳлили.

## **POSSIBILITIES OF USING THE KPI-MODEL IN IMPROVING MANAGEMENT EFFICIENCY IN NON-GOVERNMENT HIGHER EDUCATION ORGANIZATIONS**

**Abstract.** This article highlights the possibilities of using the KPI-model to improve management efficiency in non-state higher education organizations. In addition, the analysis of the main factors affecting students' quality education, the implementation of effective corporate management by using KPI indicators in monitoring the achievement of strategic goals in the internal perspective of higher education, and improving financial management were studied. A SWOT analysis of the process of using KPI technology in higher education organizations was carried out.

**Keywords:** non-governmental higher education organizations, KPI, efficiency, management, quality education, SWOT-analysis.

## **Кириш**

Бугунги Ўзбекистон олий таълим бозорида нодавлат олий таълим ташкилотлари улушининг ортиб бориши ҳамда жадал суръатлар билан таълим бозорини эгаллай бошлиши улардаги самарали менежментни йўлга қўйиш масаласини кун тартибига чиқармоқда. Айнан нодавлат олий таълим ташкилотларида менежмент самарадорлигини ошириш орқали бугунги кунда қатор муаммоли масалаларни ечиш имконияти яратилади. Жумладан, минтақавий ва халқаро тенденциялар доирасида олий таълимнинг сифат категориясини ҳамда якуний маҳсулот бўлган кадрлар рақобатбардошлигини ошириш, модернизациялашган корпоратив ҳамкорликни йўлга қўйиш, назария ва амалиёт тенденцияларини барпо этиш, халқаро ўқув услугубий тажриба алмашинув амалиётини яратиш каби бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Нодавлат олий таълим ташкилотларини ташкил этилиш амалиёти янги эканлигини инобатга оладиган бўлсак, маҳаллий ва хорижий амалиётларни ҳисобга олган ҳолда бундай ташкилотларда амалга оширилиши мумкин бўлган менежмент ва уни самарали ташкил қилиш юзасидан услубиётнинг етарли эмаслиги, бу йўналишда қатор кенгайтирилган таҳлилий илмий фундаментал тадқиқотларни амалга оширишни талаб қилмоқда. Мазкур жараёнда илмий асослантирилган объектив ва кўп тармоқли ахборотлар базасига ўз вақтида эга бўлиш, уларни танқидий тизимли таҳлил қилиш орқали хulosаларни шакллантириш имкониятининг мавжудлиги, доимий равишда молиявий, иқтисодий ва услубий назорат ричагларини ишлаб чиқилиши муҳим жараён ҳисобланади. Бундан ташқари, таълим бозорида келгусида юзага келиши мумкин бўлган инқирозли ҳолатларда қисқа муддатларда антикризисли менежментни самарали ташкил этиш ҳамда юзага келган олий таълим муаммоларини оптимал ечими юзасидан қарорларни қабул қилиш талаб этилишини инобатга оладиган бўлсак, мазкур тадқиқот учун танланган мавзунинг долзарблигини кўриш мумкин. Зеро олий таълим ташкилотлари менежменти жараёнда юзага келиши мумкин бўлган инқирозли жараёнларнинг барча босқичларида турли даражадаги хавфларни олдиндан прогноз қила олиш, уни таъсир доирасини камайтириш йўналишлари бўйича қисқа муддатларда тактика ва узоқ муддатли стратегиялар услубиётини ишлаб чиқиши, таълим сифатини доимий баҳолаш имкониятини берувчи механизмларни шакллантириш долзарб ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан бугунги иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнда олий таълим ташкилотларида, хусусан нодавлат олий таълим ташкилотларида менежмент самарадорлигини баҳолашда KPI (Key Performance Indicator) моделидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёнинг кўплаб етакчи университетларида менежмент самарадорлигини, таълим жараёнларининг сифати, муассаса кўзланган мақсадларига эришиш имконияти, университет обрўси ва жозибадорлигини ошириши шунингдек, профессор-ўқитувчиларни рағбатлантириш ва фаолиятини мунтазам баҳолаш тизими яратилган. Жумладан, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Япония, Корея, Россия ва бошқа мамлакатлардаги университетлар фаолиятларини баҳолаш ва мониторинг қилиш учун КРІ дан самарали фойдаланилади. КРІ кўрсаткичлари университет учун бошқарув қарорланини аниқ қабул қилишга, менежерларга онгли қарорлар қабул қилишга ва ноаникликтин олдини олишга, олдиндан хавфларни прогноз қилишга, эскирган таълим йўналишларидан воз кечишига, янги стандартларни жорий қилишга, сифат кўрсаткичларини яхшилашга, корпоратив тузилмани кенгайтиришга, муаммоларни юзага келишидан олдин бошқаришга ёрдам беради.

## **Адабиётлар таҳлили ва методологияси**

Глобаллашув шароитида олий ўқув юртлари турли хил фаолиятларни амалга оширади: ўқув, илмий, ижтимоий-маърифий, молиявий-иктисодий, инновацион ва тадбиркорлик. Шундан келиб чиқиб университетлар учун бошқарув самарадорлиги, қарорлар қабул қилиш, ташкилий тизимни ташки мухитдаги ўзгаришларга мослаштириш, бу эса ўз навбатида бутун ташкилий тизимнинг самарадорлигини доимий равишда кузатиб бориш ва таркибий бўлинмалар ва ходимларнинг самарадорлигини баҳолашни талаб қиласи [1]. Ҳар қандай ташкилот муваффақиятининг асосий омиллари: молиявий барқарорлик, ички жараёнларни оптималлаштириш, ходимларни ривожлантириш, яъни

ходимларнинг касбий маҳоратини ошириш, талабалар таълими сифатини ошириш ҳисобланади [2]. Таълим ташкилоти ушбу мақсадларга эришиши учун юқори сифатли абитуриентларни жалб қилиш керак [3]. Юқоридаги барча шартлар университетда мақсад сари ҳаракат тезлиги ва йўналишини адекват акс эттирувчи фаолият қўрсаткичларининг мувозанатлашган тизимига асосланган юқори самарали бошқарув тизимини ташкил этишни тақозо этади.

KPI – key performance indicator қисқартмасидан олинган бўлиб бу атама ташкилотдаги, шу жумладан таълим соҳасидаги ходимларнинг иш фаолиятини ўлчаш учун ишлатилиши мумкин бўлган асосий самарадорлик қўрсаткичларини англатади [4].

Классик версияда бундай қўрсаткичлар тизимининг асосини KPI, яъни олдиндан мақсадни аниқлаш, асосий самарадорлик қўрсаткичлари, молиявий қўрсаткичлар ташкил этади [5]. Бундан ташқари, таълим ташкилоти тизимнинг классик тамойилларини сақлаб қолган ҳолда замон талабига мослаштириш жараёнига олий таълим муассасасининг иқтисодий (молиявий) қўрсаткичлари ҳажмига қабул мақсадлари ҳажми, манфаатдор томонлар билан ўзаро ҳамкорлик кўлами, ўқиш харажатларини тўлиқ қоплаган талабалар сони ва бошқалар таъсир қўрсатади. Шу муносабат билан KPI Университет тизими молиявий-иктисодий қўрсаткичлардан ташқари, талабалар, абитуриентларнинг таълим сифати қўрсаткичларини ўз ичига олиши керак [6].

Шу билан бирга, бундай қўрсаткичлар тизими университет стратегиясининг мақсад ва вазифаларини, университет ходимлари ва бошқа манфаатдор томонларнинг манфаатларини ҳисобга олиши, ташкилотнинг барча фаолиятини ўз ичига олиши лозим [7].

Олий таълим муассасасининг KPI қўрсаткичлари ёрдамида тизимли ҳал қилинадиган асосий вазифалар қўйидагилардан иборат:

- ташкилотнинг стратегик мақсадларига эришишни баҳолаш;
- ташкилотни ривожлантириш стратегиясининг амалга оширилишини мониторинг қилиш ва назорат қилиш;
- ташкилот ходимларини рағбатлантириш тизимини яратиш;
- ташкилот ходимларини муассасанинг устувор мақсадларига эришишга йўналтириш [8].

Олий таълим муассасасининг KPI тизими қўйидаги тамойилларга асосланади: KPI тизими қўрсаткичларининг шаффофлиги ва ўлчаниши; KPI қўрсаткичлари тўпламининг минимал етарлилиги; университети фаолиятининг тўлиқ тавсифи; университетнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли мақсадларини тавсифловчи самарадорлик қўрсаткичларининг мавжудлиги; KPI қўрсаткичларининг изчиллиги [9];

KPI технологиясининг афзаллиги иш фаолиятини баҳолашда шаффоф таъсирга эга, ташкилот бошқарувига ишончни мустаҳкамлайди, ташкилотнинг миссиясига риоя қилиш учун ички мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради, асосий мақсад ва вазифаларни амалга оширишда иштирок этади, натижага эришиш ҳақида аниқ тасаввур беради [10].

Олий таълим ташкилотларида KPI стратегик мақсадларга эришиш жараёнида ходимларни моддий ва номоддий рағбатлантиришнинг мувозанатли тизимини қўллаш шароитида самарали восита бўлиб хизмат қиласди [11].

### **Тадқиқот методологияси**


Ушбу тадқиқот ишида нодавлат олий таълим ташкилотларида менежмент самарадорлигини оширишда KPI-моделидан фойдаланиш имкониятлари ўрганилиб, таҳлил, синтез, ва абстракт-мантикий ва танқидий фикрлаш, ҳамда умумлаштириш усуслардан фойдаланилди. Бундан ташқари, олий таълим ташкилотларида KPI технологиясидан фойдаланиш жараёнининг SWOT-таҳлили методидан фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Олий таълим муассасаси миссияси, унинг стратегик мақсади ва профессор - ўқитувчилар жамоаси фаолияти ўртасидаги боғлиқликнинг аҳамияти шундан далолат берадики, бу боғлиқлик университетнинг ўзининг сифат қўрсаткичларини, унинг нуфузини ва шунга мос равишда рақобатбардошлигини шакллантиради. Олий таълим муассасаларининг вазифаси шахс, жамият ва давлат эҳтиёжларини қондириш учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, таълим ва фанга инновацияларни жорий этишдан

иборат. Стратегик мақсад замонавий шароитларни ҳисобга олган ҳолда олий таълим ташкилоти шаклланиш ва ривожланишнинг асосий обекти талабаларнинг сифатли таълим олишига бориб тақалади. Сифатли таълим олишга факультет ваколатлари, аудитория жиҳозлари, академик календар, кампус иншооти, тадқиқот олиб бориш қулайликлари, таълим олиш нархи, каби бир қатор омиллар таъсир кўрсатади (1-расм).

Сифатли таълим бериш ташкилотининг асосий стратегик мақсадлари, ташкилотнинг мақсадли моделининг элементлари ва ташкилотнинг мақсадли кўрсаткичлари ташкилот фаолиятининг тўртта прогнозига қаратилган: ташкилотнинг ички жараёнлари, ташкилот ходимлари, ташкилот қабул контингенти ва манфаатдор томонлари, ташкилотнинг молияси. Олий таълим ташкилот фаолиятининг асосий элементларини (таълим, илмий-тадқиқот, халқаро, молиявий-иқтисодий, тармоқ, маъмурий-бошқарув, инновацион, иқтисодий) белгилаш асосида ташкилот масъулият марказларининг норасмий уч босқичли иерархik тузилмаси шакллантирилади.



**1-расм. Талабаларнинг сифатли таълим олишига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар таҳлили<sup>1</sup>**

Биринчи даражадаги масъулият маркази вазифалари ректор, проректор, маъмурият, илмий кенгаш зиммасига юкланди ҳамда улар КПИ тизимининг барча стратегик мақсадлари ва барча кўрсаткичларини белгилайди, назорат қиласида ва зарур ҳолатларда мослаштиради.

Иккинчи даражадаги масъулият марказларининг рўйхати университетнинг асосий фаолияти билан белгиланган ўқув-услубий мажмуа, илмий-тадқиқот мажмуаси, тармоқ ҳамкорлиги ва ижтимоий шериклик мажмуаси, маъмурий-бошқарув мажмуаси, мулкий комплекс, молиявий-иқтисодий комплекс ва инновацион ечимлар мажмуасини ўз ичига олади. Иккинчи даражали масъулият маркази раҳбари бевосита масъулият ва назорат соҳасида ташкилотни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш учун жавобгар ҳисобланади ҳамда учинчи даражали бўлим раҳбарлари ўртасида кўрсаткичларнинг бажарилиши ва стратегик мақсадларга эришиш учун жавобгарликни белгилайди ва тақсимлайди.

<sup>1</sup> Тадқиқотчи ишланмаси.

Бу эса ўз навбатида учинчи масъулият марказларига қуйидаги вазифаларни юклайди: кўрсаткичларни (режаларни) амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар рўйхатини шакллантириш; кўрсаткичларга эришиш устида ишлаш; кўрсаткичлар бажарилишини бўйсунувчи таркибий бўлинманинг бир ёки бир нечта ходимларига топшириш; мақсадларга эришиш ва кўрсаткичлар бажарилишини ўз масъулият маркази даражасида назорат қилиш ва иккинчи даражали масъулият марказига хисобот бериш; биринчи ва иккинчи даражали масъулият марказлари фаолиятининг кўрсаткичлари ва фаолиятини тузатиш бўйича таклифлар шакллантириш.

Олий таълим ташкилотининг КРІ тизими кўрсаткичлари ташкилотининг фаолият турлари бўйича, шунингдек, прогнозларга мувофиқ гурухланади: университетнинг ички жараёнлари, университет контингенти ва манфаатдор томонлари, университет ходимлари, университет молияси. Барча кўрсаткичларнинг бажарилиши учун жавобгарлик масъулият марказлари ўртасида тақсимланади.

### 1-жадвал

#### Олий таълим ташкилотларида ички истиқболдаги стратегик мақсадга эришишни назорат қилишда КРІ кўрсаткичлари тавсифи<sup>1</sup>

Стратегик фаолият	Мақсад	Асосий ишлаш кўрсаткичлари - КРІ
	Интерактив ва замонавий ўқитиши	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Талабалар томонидан ички баҳолаш</li> <li>• Ҳамкаслар ва иш берувчи томонидан ички баҳолаш</li> <li>• Ўқув дастурининг янгиланиш вақти</li> <li>• Янги мавзулар сони</li> <li>• Мавжуд инновациялар сони (25% дан ортик)</li> <li>• Янги ўқув дастурлари сони (1 ёки 2-босқич)</li> <li>• Янги профессионал ва ихтисослаштирилган дастурлар ва курслар сони</li> <li>• Инглиз тилида хорижий университетлар билан қўшма диплом дастурлари сони</li> <li>• Ўқув режалари ва дастурларининг иқтисодиёт эҳтиёжлари ва жаҳон илм-фан ютуқларига мувофиқлигини аккредитация органлари ёки маҳаллий ва хориждаги ҳамкор институтлар томонидан ташки баҳолаш.</li> <li>• Мамлакатда ва хорижда нашр этилган китоблар, профессионал ёки илмий монографиялар сони</li> <li>• Ҳалқаро ва маҳаллий журналларда ёки конференция материалларида чоп этилган илмий мақолалар сони</li> <li>• Ташиқил этилган ҳалқаро конференсиялар сони</li> <li>• Институт томонидан мунтазам нашр этилаётган маҳаллий ва ҳалқаро профессионал ва илмий журналлар сони</li> <li>• Маҳаллий ёки ҳалқаро институтларда амалий тадқиқот лойиҳалари сони</li> <li>• Тақдимот ёки нашр этиш учун тақдим этилган ва қабул қилинган мақолалар нисбати</li> <li>• Муаллифларнинг иқтибослар сони</li> <li>• Импакт факторига кирган журналлар рейтинги (чоп қилинган мақолаларнинг саноат соҳасига, академик соҳага кўрсатган таъсири)</li> <li>• Миллий ва ҳалқаро тахrir кенгашларига аъзолик</li> <li>• Маҳаллий ва ҳалқаро шархлар</li> <li>• Тасдиқланган, яъни молиялаштирилган тадқиқот лойиҳалари</li> </ul>
Гаджиот жаравини	Илмий ходимларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш	

<sup>1</sup> Тадқиқотчи ишланмаси.

**Ишбилиармон доиралар билан  
ҳамкорлик**

**Маъмурий бошқарув жараён**

<p>Ўқув фаолиятини тacomиллаштириш</p> <p>Касбий амалий фаолиятни тacomиллаштириш</p> <p>Хизматлар самарадорлигини ошириш</p> <p>Маъмурият фаолиятида ИСО стандартларини жорий этиш</p>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Меҳмон маърузачилар сифатида бизнеснинг муайян соҳаларидан жалб қилинган мутахассислар ва мутахассислар сони</li> <li>Амалий дарсларни амалга ошириш учун талабаларни қабул қилувчи корхона ва муассасалар билан тузилган шартномалар сони</li> <li>Ўқув дастурларини яратиш ва янгилашда фаол иштирок этган бизнес ҳамжамиятлари вакиллари сони</li> <li>Компания ва муассасалар эҳтиёжлари учун ўтказилган илмий ва касбий тадқиқотлар сони</li> <li>Амалга оширилган инновациялар, ихтиrolар, патентлар ва муаллифлик ҳуқуқлари сони</li> <li>Факултетнинг бизнес-маслаҳат кенгаши натижаларига кўра бизнес ҳамжамиятлари вакиллари билан ҳамкорлик бўйича амалга оширилган таклифлар сони.</li> <li>Талабаларнинг қониқиши даражаси</li> <li>Бир талаба учун маъмурий харажатлар</li> <li>Талабаларнинг сўровлари, шикоятлари, сўровларига жавоб бериш учун семестрларни аттестациядан ўтказиш учун имтиҳонларни расмийлаштиришнинг ўртacha вақти</li> <li>Шикоят ва мурожаатлар сони</li> <li>Имтиҳонларни ташкил этишда самарадорлик</li> <li>Хизматдаги ходимларнинг меҳрибонлиги ва ёрдами</li> <li>Хужжатларни кўчириш, ишлов бериш ва сақлаш тартиб-қоидаларига риоя қилиш</li> <li>Операцияларда ўрнатилган стандартларга риоя қилиш</li> </ul>
---	---

KPI тизими олий таълим ташкилотининг фаолиятини тавсифловчи қисқа муддатли (1-3 йилдан), ўрта муддатли (3-5 йилдан) ва узоқ муддатли (5-10 йилдан ортиқ) кўрсаткичларга асосланган бўлиши керак. Олий таълим ташкилотининг KPI тизими кўрсаткичларининг мақсадли қийматларини ҳисоблашда олий таълим тоғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, олий таълим ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ва қонун ости ҳужжатлари, олий таълимни ривожлантириш стратегиялари, мақсадли дастурлар ва қарорлар ҳисобга олинади.

KPI тизими кўрсаткичларининг ҳақиқий қийматларини ҳисоблаш учун ташкилотнинг молиявий (бухгалтерия) ҳисоботлари, университетнинг статистик ҳисботи, рейтинг баҳолаш натижалари, университетнинг илмий ва педагогик ходимлари, университетнинг аттестация ва эксперт комиссиялари томонидан университетнинг бошқа ходимлари ва университетнинг таркибий бўлинмалари фаолиятини баҳолаш натижалари, университет фаолиятини ташки экспертиза баҳолаш натижаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

## 2-жадвал

**Олий таълим ташкилотлари молиявий менежментини такомиллаштиришда КРІ  
кўрсаткичлари тавсифи<sup>1</sup>**

Стратегик  
фаолият

Мақсад

Асосий ишлаш кўрсаткичлари - КРІ

Молиявий менежмент

Турли  
манбалардан  
келадиган  
даромадларни  
кўпайтириш  
Ресурслардан  
яхшироқ  
фойдаланиш ва  
назорат қилиш

- Турли манбалар (давлат маблағлари, талабалар ўқиши учун тўловлар, илмий-тадқиқот ва консалтинг хизматлари, хайрия ва ҳомийлик, нашриёт ва х.к.) даромадлари фоизи.

- Иш ҳаки учун ажратилган маблағлар фоизи
- Мехнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш учун ажратилган маблағлар улуши
- Тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш учун маблағлар улуши
- Кадрлар малакасини ошириш учун ажратилган маблағлар фоизи
- Даромад ва харажатларнинг мувофиқлиги
- Мажбуриятларни бажаришнинг ўртача вақти

КРІ тизимининг кўрсаткичлари самарали ходимлар шартномалари учун шаблонларни шакллантиришда, илмий ва педагогик ходимларнинг рейтингини баҳолаш тартиб-қоидаларида, ходимларни аттестациядан ўтказиш тартиб-қоидаларида, ишга қабул қилиш жараёнида, рағбатбардош шарт-шароитларни шакллантиришда қўлланилиши мумкин. КРІ тизими кўрсаткичларининг тузилиши ва меъёрий қийматлари ҳар олти ойда бир мартадан кўп бўлмаган ҳолда ташкилот раҳбарияти томонидан ўзгартиришлар олдиндан муҳокама қилингандан чиқарилади. КРІ тизими кўрсаткичлар тизимдан чиқарилади. КРІ тизими кўрсаткичлари таркибига ўзгартиришлар киритиш учун ташкилотнинг ривожланиш стратегияси кўрсаткичларини тузатиш, мақсадли дастурларини ўзгартириш ва янгиларини жорий этиш, самарадорликни оширишга ёрдам берадиган кўрсаткичларни тизимга киритиш зарурлигини асосланганда, самарадорликка етарлича таъсир қилмайдиган кўрсаткичлар тизимдан чиқарилади.

КРІ тизими кўрсаткичлари таркибига ўзгартиришлар киритиш учун ташкилотнинг ривожланиш стратегияси кўрсаткичларини тузатиш, мақсадли дастурларини ўзгартириш ва янгиларини жорий этиш, самарадорликни оширишга ёрдам берадиган кўрсаткичларни тизимга киритиш зарурлигини асосланганда, самарадорликка етарлича таъсир қилмайдиган кўрсаткичлар тизимдан чиқарилади.

КРІ тизимининг кўрсаткичлари бажарилишини мониторинг қилиш ва назорат қилиш ташкилотнинг юқори раҳбарияти томонидан амалдаги норматив-хуқуқий хужжатлар ва муассасанинг ички қоидалари асосида амалга оширилади. Илмий ва педагогик ходимлар учун КРІ кўрсаткичларига эришиш мониторинги ва таҳлили таълим сифатини бошқариш маркази томонидан ташкилот деканлари, кафедра мудирлари ва ўқитувчилари фаолиятини рейтинг баҳолаш натижалари асосида амалга оширилади. Илмий-педагогик ходимлар фаолиятини рейтинг баҳолаш асосида амалга оширилади.

КРІ тизими кўрсаткичлари хисоб-китобларининг тўғрилигини ва университет ходимларига рағбатлантириш тўловлари ҳажмининг асослилигини назорат қилиш молия-иқтисодий муносабатлар бўлими томонидан келишув комиссияси аъзолари ва ички ёки ташки аудит вакилларини жалб қилиш орқали амалга оширилади. КРІ мақсадларини бажариш меҳнат мажбуриятларининг таркибий қисмларидан бири сифатида жамғарманинг бир қисмини ажратишни талаб қиласида, бу қўшимча иш ҳаки компонентини жорий этишини таъминлайди, унинг миқдори университетнинг стратегик мақсадларига эришиш даражасига боғлиқ. Таълим ва академик ўсиш нуқтаи назаридан стратегик фаолият - инсон капитали, ахборот капитали, жисмоний капитал ва ташкилий капиталига бўлинади. Шу билан бирга, ушбу фаолият гурухларининг ҳар бири белгиланган мақсадлар ва уларга

<sup>1</sup> Тадқиқотчи ишланмаси.

эришиш мониторинги учун асосий самарадорлик кўрсаткичлари билан баҳоланади (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Олий таълим ташкилотларида стратегик фаолиятни амалга оширишда  
КРІ кўрсаткичлари таҳлили<sup>1</sup>**

<b>Стратегик фаолият</b>	<b>Мақсад</b>	<b>Асосий ишлаш кўрсаткичлари - КРІ</b>
<b>Инсон капитали</b>	Ходимларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш ва рағбатлантириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Илмий унвонга эга бўлган ходимлар сони</li> <li>• Чет элга ўқиши ташрифлари сони</li> <li>• Ходимларнинг билим ва дидактик кўникмаларини бойитиш бўйича ўқув курслари, семинарлар ўтказиш учун сарфланган соатлар сони</li> <li>• Мукофотлар ва фахрий унвонга эга ходимлар сони</li> <li>• Ходимларнинг билим ва малакасини ошириш учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар</li> <li>• Факултетдаги ИТ-ускуналар янгиланиши ва модернизациясининг ўртacha сикл вақти</li> <li>• ИТ учун ажратилган маблағлар миқдори</li> <li>• Wi-Fi интернет билан қамров даражаси</li> <li>• Талабалар ва ходимлар учун онлайн хизматлар сони (электрон далиллар, онлайн рўйхатдан ўтиш, ҳисобот бериш, эслатмаларни тақдим этиш ва бошқалар).</li> <li>• Талабалар сонини компьютерлар сонига нисбати</li> <li>• Компьютерлар/талабалар нисбати</li> <li>• Доимий мавжуд компьютерлар/талабалар нисбати</li> <li>• Автоматлаштирилган иш жараёнларининг фоизи</li> <li>• бинолар ва ўқув жиҳозларини янгилаш ва модернизация қилишнинг ўртacha сикл вақти</li> <li>• ўқиши/мехнат шароитларини яхшилаш учун ажратилган маблағлар</li> <li>• Талабалар ва ходимларнинг қоникиш даражаси</li> <li>• Ҳар бир талаба/ходим учун тўғри келадиган муассаса майдони, метр кв.</li> <li>• Факултет салоҳиятидан фойдаланиш даражаси (маъруза заллари, ўқув хоналари, ўқув зали, кутубхона, интернет маркази)</li> </ul>
<b>Ахборот капитали</b>	Факультетнинг фазовий ва технологик имкониятларини тақомиллаштириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Хизмат кўрсатиш сифати, этикаси ва маданияти</li> <li>• Самарадорликни ошириш бўйича таклифлар сони</li> <li>• Ўзгаришларга муносабат</li> <li>• Жамоа руҳи ёки гурӯҳ жипслиги</li> <li>• Ходимларнинг руҳий ҳолати</li> </ul>
<b>Жисмоний капитал</b>	Ташкилий маданиятни тарғиб қилиш	
<b>Ташкилий капитал</b>		


Якка тартибдаги ходим учун рағбатлантириш тўлови миқдори ходимнинг КРІ кўрсаткичларини амалда бажаришининг якуний нормаллаштирилган қийматини, шунингдек аттестация, эксперт баҳолаш натижаларини ва фоизларда ифодаланган бошқа натижаларни ҳисобга олган ҳолда баҳоланади: 20% дан кам - қабул қилиб бўлмайдиган натижа, 20 дан 40% гача - ёмон натижа, 40 дан 60% гача - ўртacha натижа, 60% дан 80% гача - яхши натижа, 80% ёки ундан кўп – юқори самарали натижа сифатида эътироф этилади.

Шундай қилиб, университетнинг кадрлар ва таркибий бўлинмаларини мақсадли кўрсаткичларга мувофиқ баҳолашни ташкил этиш чекланган ресурслар шароитида университетнинг стратегик мақсадларига эришиш вазифаларини самарали ва мувозанатли

<sup>1</sup> Тадқиқотчи ишланмаси.

ҳал қилиш ва индивидуал баҳолаш воситаларидан фойдаланган ҳолда сифатни мақсадли равища яхшилаш имконини беради.

KPI - бу кузатиш, ўлчаш ва таҳлил қилиш мүмкін бўлган кўрсаткичлари йигиндиси бўлиб улар бизнес ва маркетингда бенчмаркларни яратиш ва ракобатни ўлчаш учун самарали қўлланилади. Олий таълим KPIлари муассаса, кафедра, ўкув дастури, курс ёки ҳатто талаба ўз мақсадларига қандай эришаётганини аниқлаш учун ишлатилади. Ривожланган давлатларда олий таълим KPIлари, масалан, бюджетдан талабаларни молиялаштириш дастурларида иштирок этишни истаган ҳар қандай университет учун ҳукумат томонидан талаб қилинадиган кўрсаткичлар каби мажбурийдир. Ҳозирда олий таълимда KPIнинг ўқишига қабул қилиш билан боғлиқ элементлари қўлланилмоқда. Ушбу элемент KPIни маълум вақт давомида кузатгандан сўнг, кафедра ушбу курсларни ёпиш ёки бошқа курсларга бирлаштириш қарорини қабул қилиши мүмкін.



## 2-расм. Олий таълим ташкилотларида KPIнинг умумий қўриниши тавсифи<sup>1</sup>

Олий таълим ташкилотлари KPIлардан максимал даражада фойдаланиб самарали бошқарувни жорий қилиш учун қуидаги тўрт босқични жорий қилиши лозим:

1. Мақсад қўйиш ва эришиш йўлларини таҳлиллар асосида белгилаш. Оммавий KPI тараққиёт ҳисоботини юритиши, шу жумладан олий таълимнинг мақсадли қийматлари рўйхатини тузиш, сўров натижаларини таҳлилини амалга ошириш, таҳлил маълумотларини ўлчов частоталари орқали баҳолаш ва визуал жадваллар кўринишида тақдим этишни ўз ичига олади. Ушбу тараққиёт ҳисоботига муассаса ўз мақсадларига аниқ эътибор қаратганлиги ва маълум KPIлар орқали баҳолаш орқали мақсадга эришишини осонлаштириши мүмкін.

2. Стратегик режалаштириш ва ўлчаш. Ташкилотнинг стратегик режаси уларнинг йилга мўлжалланган мақсадлари ва қарашларининг харитасини чизиш ва бу ерда KPI кўрсаткичлари таҳлили самарали хизмат қилиши мүмкін.

<sup>1</sup> Тадқиқотчи ишланмаси.

## Молиявий

- Ўқитиши харажатларида соатбай ёки тўлиқ штатда ишлайдиган профессор-ўқитувчиларнинг нархи баҳоланади;
- Бир талаба учун маъмурӣ харажатлар: муассасанинг ҳар бир талабага маъмурӣ хизматлар учун қанча пул сарфланиши ҳисоб-китоб килинади ва талабанинг таннархи аниқланади;
- Ўкув дастур ва бўлим бюджетлари: бюджетларни давр, семестр ёки йил бўйича таҳлил қилиш ва ҳақиқий сарф билан солиштириш;
- Даромадлар, грантлар ва молиялаштириш манбалари: хайрия маблағлари, тадқиқот грантлари, маблағ тўплаш харакатлари, жамғармалар ва бошқа пул имтиёзлари;
- Талабаларга молиявий ёрдам: стипендия ёки давлат ёрдамини оладиган талабалар сонини мониторинг килиш ва таҳлилини амалга ошириш;
- Ўқиш харажатлари: талабалар томонидан семестр ёки йиллик ҳисобланган харажатларни кузатиб бориш;

## Талаба муваффақияти

- Битириув ставкалари: битириувчи талабалар фоизи ва уларни ишга жойлашиши қанча вақт талаб килади.
- Курснинг муваффақияти ставкалари: курслар бўйича якуний баҳоларини кузатиш.
- Қатъийлик даражаси: Талабаларнинг кейинги семестрга қатъиятига таъсир килувчи омилларни аниқлаш ва кузатиб бориш.
- Талабалар иштироки: чет элда ўқиётган, кампусда яшовчи, тадқиқот фаoliyatiда иштирок етаётган, имтиёзли дастурларда ўқиётган ва хоказо талабалар сони.
- Талабалар натижалари: ўқишини тутгатгандан сўнг кадрлар бозоридаги нархини мунтазам аниқлаш бориш.
- Лицензия имтиҳонларини топшириш ставкалари: талабаларни лицензиялаш имтиҳонларига тайёрлаш дастурлари самарадорлигини баҳолаш.

## Қабул ва рўйхатга олиш

- Қабул даражаси: ариза берган ва қабул килинган талабалар улуси
- Ўқишини кўчириш даражаси: ариза берган ва қабул килинган қанча талабалар бошқа муассасаларга ўқишини кўчириб ўтказиш ҳисобини юритиш ва сабабларини аниқлаш
- Почта индекси бўйича талабаларни қабул килиш: талабалар қайси худудлардан келаётганини аниқлаш ва маркетинг дастурларини мослаштириш учун маълумотлардан фойдаланиш
- Йилдан-йилга рўйхатга олиш: йилдан йилга таққослаш учун кунлик рўйхатга олиш маълумотларини кузатиб бориш
- Сақлаб колиш даражаси: талабаларнинг неча фоизи кейинги семестрга қайтиб келишини кузатиш
- Ишга қабул килиш бўйича маркетинг дастурларидан фойдаланиш даражаси
- Ракобатбардошликтин ўлчаш учун коефициентни бошқа олий таълим билан солиштиш

## Факултет ва ходимлар

- Факултетнинг иш юки ва маҳсулдорлиги: профессор-ўқитувчиларни индивидуал ва кафедра асосида таҳлил қилиш.
- Талабалар нисбати: факултет аъзосига тўғри келадиган талабалар сони, кампус бўйича ёки кафедралар бўйича нисбатини аниқлаш.
- Профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг иш стажи: ўқитувчилар ва бошқа ёрдамчи ходимлар учун иш вақтини баҳолаш.
- Ярим кунлик, кечки ва кундузги факултет: учала турдаги ўқитувчилар учун харажатлар ва имтиёзларни таҳлил қилиш
- Ярим кунлик, кечки ва кундузги факултет: учала турдаги ўқитувчилар учун харажатлар ва имтиёзларни таҳлил қилиш
- Талабалар билан ҳафталик алоқа соатлари: муайян курслар, бўлимлар, ўқитувчилар ва бошқа ўзгарувчилар бўйича самарадорликни таҳлил қилиш

## Имкониятлар ва манбалар

- Курсни тўлдириш: ҳар бир курс учун рўйхатга олиш сонини аниқлаш
- Аудиториядан фойдаланиш: хона ресурсларидан қачон, қаерда ва қандай фойдаланилаётганини кузатиш.
- Барқарорлик: харажатни баҳолаш, коммунал харажатларни кузатиб бориш
- Кампусдаги турар жой ва ётоқхона: талабалар еҳтиёжини аниқлаш ва кампусга янгилик киритиш
- Рақамлаштириш кўрсаткичларини таҳлил қилиш
- Online таълим самарадорлигини кўрсаткичларини баҳолаш

## 3- расм. Олий таълим ташкилотларида KPI кўрсаткичлари таҳлили<sup>1</sup>

3. Жамоани тўғри шакллантириш. Олий таълимда KPI кўрсаткичлари университет ректори, проректор, деканлар, бўлим бошлиқлари, тадқиқотчилар томонидан аниқланиши ва келишилиши керак. Иштирокчиларнинг аниқ сони KPIлар қай даражада қўлланилишига

<sup>1</sup> Тадқиқотчи ишланмаси.

боғлиқ бўлади. Расмий равишида KPI қўрсаткичлари аниқлангандан сўнг, натижадорлик таъминланиши учун KPI ортидаги стратегиялар ва мақсадларни барча иштирокчилар тушуниб этишлари керак бўлади.

4. Жараённи автоматлаштириш. Олий таълим анъанавий равишида excel электрон жадвалларидан PDF ҳисботларигача бўлган қўплаб маъмурий вазифалар учун қўлда ишлов беришни афзал қўради. Аммо муассасаларда KPIларни кузатиш учун зарур бўлган маълумотларни қўлда тўплаш, бошқариш ва таҳлил қилиш узоқ вақт талаб қиласди. Бундан ташқари, ушбу жараёнда инсон омили таъсир қўрсатиб якуний натижа самарасиз бўлади. Ушбу жараённи енгиллаштириш учун БигДате (катта ҳажмдаги маълумлар билан ишлаш тизими), булутли технологиялар, Финтех платформалари маълумотларни аниқ таҳлил қилиш билан бир қаторда якуний натижани қисқа вақт ичидаги чоп қилиб беради. Автоматлаштирилган дастурий таъминот маълумотларни KPI талаблари бўйича, реал вақт режимида кўриш учун сақлайди, масалан, рўйхатга олишлар, ўқитувчилар унумдорлиги, талabalар билан ҳафталик алоқа соатлари ва бошқалар.

Университетлар таълим сифатини баҳолашда фойдаланиши мумкин бўлган KPI қўрсаткичлари чексиз, аммо энг кенг тарқалган KPI қўрсаткичлари беш тоифага бўлинган: молиявий қўрсаткичлар, талаба муваффакияти, қабул ва рўйхатга олиш, факултет ва ходимлар, имкониятлар ва манбалардир.

KPIнинг молиявий қўрсаткичлари ўқув бюджети воситасидан фойдаланиб, иш ҳақи қўрсаткичларини таҳлилини амалга ошириш, ортиқча қилинаётган харажатларни қисқартириш, ўқув харажатларини кузатиш орқали профессор-ўқитувчилар ресурсларини самарали тақсимотини амалга ошириш, юқори рейтингдаги ишчиларни рафбатлантириш ва ўзбошимчалик билан қисқартиришни олдини олишга ёрдам беради.

Қабул ва рўйхатга олишда талабани сақлаб қолиш даражасининг пастлиги муаммо борлигидан дарак беради. Бу қўрсаткич таълим сифати, ўқув машғулотларининг қийинлиги, кадрларнинг саводсизлиги, талаба-ўқитувчилар нисбатининг ошиши, тўлов-контракт микдори, ички мотивациянинг камлиги, шарт-шароитлар, келажаги йўқ мутахассислик йўналиши, бюрократик тўсиклар ва бошқа бир қатор омиллар таъсири остида юзага келаётган бўлиши мумкин.

Бу ерда умумий KPI биринчи йилдан учинчи йилгача сақлаш ставкалари ҳисобланади. Таҳлилда талabalар биринчи йилни якунламасдан ўқишини ташлаб кетиши ёки бошқа ўқув юртларига кўчиришини аниқлаш ечимга сабаб бўлади. Сақлаб қолиш ставкаларини кузатиб бориш натижасида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни олдиндан аниқлаш ва олдини олиш йўлларини ишлаб чиқиши мумкин.

Олий таълимда корпоратив бошқарувни самарали ташкил этишида KPI технологиясидан фойдаланиш жараёнини ўзига хос хусусиятларини баҳолаш мақсадида таҳлил қилишнинг умумътироф этилган усулларидан бири бўлган SWOT таҳлилини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Мазкур таҳлил усули ёрдамида айнан KPI технологиясининг ишлаш жараёни тавсифини тўлиқ таҳлил қилиш, унинг ўзига хос хусусиятларини баҳолаш ҳамда ишлаши давомида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаш имконияти юзага келади. Мазкур жараёнда KPI технологиясининг кучли, заиф томонлари ҳамда имконият ва таҳдидларни омилли таҳлилини амалга ошириш мумкин бўлади. Жадвал маълумотларида корпоратив бошқарув тизимида KPI технологиясидан фойдаланиш жараёнининг SWOT таҳлили келтирилган.

**4-жадвал****Олий таълим ташкилотларида КРІ технологиясидан фойдаланиш жараёнининг  
SWOT таҳлили<sup>1</sup>**

Кучли томонлар	Кучсиз томонлар
<p><b>1. КРІ ташкилотнинг асосий мақсад ва вазифалари билан боғлиқ.</b></p> <p><b>2. Амалга оширишнинг барча босқичларида харакатларни созлаш имконини берувчи мослашувчан тизим.</b></p> <p><b>3. Ходимларнинг меҳнат натижаси учун жавобгарлигини шакллантиради.</b></p> <p><b>4. Белгиланган вазифалар бўйича фаолият натижаларини башорат қилиш имконини беради</b></p>	<p>1. КРІни амалга ошириш тажрибали мутахассиснинг иштирокини талаб қиласди.</p> <p>2. Кўп сонли кўрсаткичлар (натижаларни узоқ вақт ҳисоблаш ва ўзгаришларни кузатища қийинчилик)</p>
Имкониятлар	Хатарлар
<p><b>1. Ходимларни танлашда хатоларни минималлаштириш имконини беради.</b></p> <p><b>2. Ходимлар меҳнати натижаларини шаффофф ва холисона баҳолаш имкониятини беради.</b></p> <p><b>3. Ходимларнинг касбий ўсишига бўлган мотивациясини оширади.</b></p> <p><b>4. КРІ тизимини автоматлаштириш имкониятини беради.</b></p>	<p>1. КРІни ишлаб чиқиши босқичида мақсад, мотивация билан боғланмайдиган асосий кўрсаткичларни танлаш билан боғлиқ хавф пайдо бўлиши.</p> <p>2. Ходимларнинг ўзгаришларга чидамлилиги</p> <p>3. Сиёсий тизимдаги ўзгаришлар.</p>

Таъкидлаш жоизки, олий таълим бошқарув жараёнинда КРІ технологиясидан фойдаланишнинг ижобий томонлари билан бирга салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Бундай таҳдидлар сифатида КРІ технологиясини корпоратив бошқарув тизимида жорий этишнинг дастлабки босқичида нисбатан катта ҳажмдаги молиявий ресурсларни жалб қилиш мажбурияти, электр таъминотида бўладиган узилишлар натижасида технологиянинг ишлашида юзага келиши мумкин бўлган тўхтаб қолишлар, юқори даражада дастурий таъминотга қарамлик кабиларни келтириш мумкин. Аммо мазкур технологиядан иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларида самарали фойдаланиш мумкин.

**Хуноса**

Олий таълим ташкилотлари КРІ моделларидан максимал даражада фойдаланиб самарали бошқарувни жорий қилиш учун мақсад қўйиш ва эришиш йўлларини таҳлиллар асосида белгилаш, стратегик режалаштириш ва ўлчаш, жамоани тўғри шакллантириш, жараённи автоматлаштириш босқични жорий қилиши лозим.

Олий таълим муассасасининг КРІ кўрсаткичлари ёрдамида тизимли ҳал қилинадиган асосий вазифалар: ташкилотнинг стратегик мақсадларига эришишни баҳолаш; ташкилотни ривожлантириш стратегиясининг амалга оширилишини мониторинг қилиш ва назорат қилиш; ташкилот ходимларини рағбатлантириш тизимини яратиш; ташкилот ходимларини муассасанинг устувор мақсадларига эришишга йўналтириш ва бошқалар.

Олий таълим муассасасининг КРІ тизими кўрсаткичларининг шаффофлиги ва ўлчаниши; КРІ кўрсаткичлари тўпламининг минимал етарлилиги; университети фаолиятининг тўлиқ тавсифи; университетнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли мақсадларини тавсифловчи самарадорлик кўрсаткичларининг мавжудлиги; КРІ кўрсаткичларининг изчиллиги тамойилларга асосланади.

<sup>1</sup> Тадқиқотчи ишланмаси.

KPI кўрсаткичларини амалда бажаришининг якуний нормаллаштирилган қийматини, шунингдэк аттестация, эксперт баҳолаш натижаларини ва фоизларда ифодаланган бошқа натижаларни ҳисобга олган ҳолда баҳоланади: 20% дан кам - қабул қилиб бўлмайдиган натижа, 20 дан 40% гача - ёмон натижа, 40 дан 60% гача - ўртача натижа, 60% дан 80% гача - яхши натижа, 80% ёки ундан кўп – юқори самарали натижа сифатида эътироф этилади.

KPI кўрсаткичлари ташкилотдаги бошқарув ва назорат жараёнларини таҳлил қилиш, фаолиятни доимий мониторинг қилиш орқали бошқарув жараёнлари ва ҳаракатларини мослаштириш, бошқарув қарорларини оптималлаштириб бориш имкониятини бериши мумкин. KPI технологиясининг афзалиги иш фаолиятини баҳолашда шаффофф таъсир кучига эга бўлиб ташкилот бошқарувига ишончни мустаҳкамлайди, ташкилотнинг миссиясига риоя қилиш учун ички мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради, асосий мақсад ва вазифаларни амалга оширишда иштирок этади, натижага эришиш учун аниқ стратегик режалар ишлаб чиқишида воситачи бўлиб хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Kamenova-Timareva, Marina & Petrov, Petar. (2014). A Key Performance Indicators a Framework for Higher Education Institutions. 8. 108 - 121.
2. Chan, A.P.C. and Chan, A.P.L. (2004), "Key performance indicators for measuring construction success", Benchmarking: An International Journal, Vol. 11 No. 2, pp. 203-21
3. Ramoniene, L., Marius Lanskoronskis, (2011) "Reflection of higher education aspects in the conception of national competitiveness", Baltic Journal of Management, Vol. 6 Iss: 1, pp.124 – 139.
4. Arkinovna, Karimova. (2021). Automation of Kpi Calculation for Leadership Personnel of Higher Educational Institutions. 1-4. 10.1109/ICISCT52966.2021.9670079.
5. VAKHRUSHINA, Mariya & VAKHRUSHINA, Alina. (2022). Intellectual capital in the key performance indicator (KPI) system of higher education institutions. International Accounting. 25. 848-868. 10.24891/ia.25.8.848.
6. Денисова А.Д. KPI: за и против // Журнал: Справочник по управлению персоналом. 2011. № 5. С. 26–31
7. Kairuz, Therese & Andriés, Lynn & Nickloes, Tracy & Truter, Ilse. (2016). Consequences of KPIs and performance management in higher education. International Journal of Educational Management. 30. 881-893. 10.1108/IJEM-05-2015-0067.
8. Amir, Amizawati & Sofiah, Amir & Auzair, Md & Maelah, Ruhanita & Ahmad, Azlina & Ruhanita, Md. (2016). Consequences of KPIs and performance management in higher education.
9. Harnisch, Thomas. (2022). The Role of Business-Higher Education Coalitions in Making the Case for Higher Education. Change: The Magazine of Higher Learning. 54. 12-18. 10.1080/00091383.2022.2101860.
10. Varghese, N.V. & Panigrahi, Jinusha. (2022). India Higher Education Report 2021: Private Higher Education. 10.4324/9781003298724.
11. Varghese, N.V. & Panigrahi, Jinusha. (2022). Private Higher Education. 10.4324/9781003298724-1.